Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 77 (5. 968) • 1986 йил 3 апрель, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ ҲАЁТГА!

## ЖАДАЛЛАШТИРИШ — БЕШ ЙИЛЛИК ШИОРИ

XXVII ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК ШАРАФИГА

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» МУХБИРЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИ МУХБИРЛАРИМИЗ ЁЗАДИЛАР.

### БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ

кеча

В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича шаҳар штабининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари А. И. Фозилбеков олиб борди. Мажлисда шаҳримиз корхоналари ва қурилишларида шанбаликка тайёргарликнинг бориши ҳақидаги масала қараб чиқилди.

### УНУМДОРЛИК ОШАДИ

«Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида КПСС XXVII съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб янги техника ва илғор технология ютуқларини жорий этиш, маҳсулот сифатини ошириш мақсадида янги тадбирлар амалга оширила бошланди. Бу ерда мебелларнинг деталларига пардоз берадиган янги замонавий поток линияни монтаж қилиш тугалланмоқда. Юқори даражада унум билан ишлайдиган бу ускуна барча машаққатли ишларни ўз зиммасига олади, ишчиларнинг меҳнатини такомиллаштиради.

Республика мебелсозлари бундай техника воситасини биринчи марта ишга туширадилар. У шу йил иккинчи кварталда фойдаланишга топширилади ва мебеллар сифатини ошириш имконини беради. В. П. Жидков бошчилигидаги созловчи мутахассислар янги техникани монтаж қилиб ишга туширмоқдалар.



Тажриба-механика экскаватор ремонти заводидаги Нурилла Ҳусниддинов бошлиқ термистлар бригадаси ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини адо этганди. Илғорлар янги беш йилликнинг дастлабки йилини ҳам яхши бошлашди. Коллектив биринчи квартал топшириғини муддатидан анча аввал адо этди. Бригада аъзолари ўн иккинчи беш йилликда ҳам икки беш йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилишган.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) Нурилла Ҳусниддинов ва бригаданинг илғор ишчиси Алексей Гордеев.

В. Сироткин фотоси.

### Ташаббусга қўшилиб

«Учқун» тўқимачилик-галантерея бирлашмасининг мингга яқин ишчиси коммунистик шанбаликда актив иштирок этади. Улардан 890 киши ўз иш жойларини эгаллаб шу куни 82 минг сўмлик турли маҳсулотлар ишлаб чиқарадилар.

Москваликларнинг В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги таклифига биринчилар қаторида қўшилиб, меҳнат байрами кунида юксак унум билан ишлаб ва аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ваъда берган корхонанинг пешқадам ишчиларидан Г. Арцебаева, А. Аҳадов, В. Лошак ва бошқалар бир сменада икки нормани бажаришни ўз олдиларига мақсад қилиб олишган.

Шунингдек «Қизил шанбалик» кунида катта ҳажмдаги ремонт ишлари олиб борилади. Минг погон метрдан ортиқ ирригация тармоқлари тозаланиб, тартибга келтирилади. 200 туп дарахт кўчатлари ва буталар ўтқазилади.

### Қизғин тараддуд

Коммунистик меҳнат байрами кунида ҳар қачонгидан унумли ва сифатли иш бажариб, юқори кўрсаткичга эришамиз. Ана шундай шиор остида Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи кун сайин меҳнат байрамига тайёргарликни кучайтириб бормоқда. Айниқса комбинатнинг 3-тўқув фабрикаси ишчилари шанбалик кунида ибрат кўрсатиб меҳнат қилишмоқчи. Улар катта ҳажмдаги ишларни бажаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Шу куни коллектив 70 минг метр газлама, 5 тонна калава тайёрлаб беради. Шанбаликда фабриканинг 530 кишиси актив қатнашади. Корхонанинг ёш ип ўровчиси Наргиза Қосимова смена нормасини икки ҳисса ортиғи билан адо этади.

Комбинатнинг 2-йигирув фабрикаси тараш цехининг М. Раҳмонов бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси ҳам шанбаликда юксак меҳнат унумдорлигига эришишни кўзлаб турибди. Бригада аъзолари шу кунларда бир сменада нормада белгиланган 13 тонна 200 килограмм ўрнига 14 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришяпти. Биринчи сортга топшириладиган маҳсулот белгиланган 96 процент ўрнига 98 процентни ташкил қилмоқда.

### Бир сменада икки норма

Ўзбекистон ССР мебель саноатига қарашли Тошкент тажриба-техника заводининг илғор ишчилари М. Абдураҳмонов билан Д. Нишонова бир сменада икки норма бажариш мажбуриятини олдилар. Корхонанинг барча меҳнатчилари уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Коммунистик шанбалик куни заводда мингдан ортиқ пружина блоки ҳамда республика мебель фабрикалари учун бир неча тонна ностандарт ускуналар тайёрлаб берилади.

Корхона ходимларининг катта бир группаси завод территориясини ободонлаштириш билан шуғулланади. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазишдан ташқари, 10 тоннадан ортиқ металл парчалари йиғиш ва топшириш мўлжалланмоқда.

### Истеъдодли тадқиқотчилар

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида кўплаб ёш тадқиқотчилар ҳам фаол меҳнат қилишмоқда. Бу истеъдодли илмий ходимлар билан яқиндан шуғулланиш мақсадида бу ерда комплекс ижодий ёшлар коллективлари тузилди.

Тадқиқотчи Ҳ. Турсунов бошчилигидаги бир группа ёшлар ҳам ана шу коллективнинг аъзолари сифатида қатор изланишларни олиб бормоқдалар. Улар автоматлаштирилган системани яратишга ҳам жиддий киришдилар. «Ақлли» машиналар ёрдамида иш кўрувчи бу система ғўзани тадқиқ этиш муаммоси билан узвий боғлиқдир.

Ғўза барги, пояси ва илдиз системасининг микроскопик тасвирини ўрганишда электрон ҳисоблаш машинаси қўл келди. «Ақлли» машинада статистик таҳлил қилишнинг бу усуллари чигит ва пахта толаси микроскопик тасвирини аниқлаш имконини ҳам берди.

### Бадиий-спорт байрами

Ўрта Осиё медицина педиатрия институти студентлари шаҳарчасида бадиий-спорт байрами бўлиб ўтди. Қардош республикалар байроқлари ва қизил алвонлар билан безатилган майдонда байрамнинг очилишига бағишланган тантанали митинг ўтказилди.

Митингда сўзга чиққан институт комсомол комитети секретари Ҳ. Ҳайдаров, студентлар Ҳ. Солиева, Н. Ғафуровлар КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий докладида баён қилинган вазифалар ҳар бир меҳнат коллективида, ҳар бир ўқув даргоҳида амалга оширилишини таъкидладилар. Барча совет ёшлари қатори Ўрта Осиё медицина педиатрия институти комсомол-ёшлари ҳам ўзларининг аъло ўқиши, жамоат ишларида актив қатнашиши билан партиямизнинг талабига жавоб бера оладиган юксак малакали мутахассислар бўлиб етишишга ваъда бердилар.

Олий ўқув юрти ётоқхоналари коллективлари ўртасида спортнинг оммавий турлари — волейбол, баскетбол, футбол, тош кўтариш, арқон тортиш бўйича спорт мусобақалари ўтказилди.

Мусобақаларда 2-ётоқхона биринчи, 4-ётоқхона иккинчи, 5-ётоқхона учинчи ўринни эгаллашга муяссар бўлди.

Сўнгра институт бадиий ҳаваскорларининг чиқишлари баҳоланди. Ҳаваскорлар конкурсида 5-ётоқхона биринчи, 3-ётоқхона иккинчи, 2-ётоқхона бадиий ҳаваскорлари эса учинчи ўринни эгалладилар.

### ЁШ ПЕДАГОГЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

Ўрта Осиё медицина педиатрия институтида ўқув жараёнини такомиллаштириш, ёш ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ошириш мақсадида «Ёш педагоглар университети» ўз фаолиятини бошлади.

Университетга рентген-радиология кафедраси мудири профессор Т. М. Мирзаев ректор этиб тайинланди.

Университетнинг вазифаси бўлгуси совет врачининг дунёқарашини шакллантиришда, шифокорларда гражданлик, ватанпарварлик ва интернационализм туйғуларини тарбиялашда педагогнинг билим савиясини янада оширишдан иборат.

Д. СУЛТОНОВА.

## Замондошимиз



Тошкент чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўтган йили самарали натижаларни қўлга киритди. Корхона маҳсулот реализация қилиш бўйича ўн биринчи беш йиллик планини муддатидан икки ой илгари бажарди. Бу йиллар давомида 144 миллион сўмликдан кўпроқ буюмлар истеъмолчиларга етказиб берилди. Бунинг икки миллиони планга қўшимчадир.

Корхонанинг бу муваффақиятида Октябрь район Советининг депутати Лидия Гороховнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга эга бўлган бу аёл ҳамиша шахсий смена топшириқларини 170—180 процентга етказиб адо этмоқда.

— Корхонада бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариб, ўз шахсий тамғасига эга бўлиш, коммунистик меҳнат зарбдори деган номга сазовор бўлиш учун шахсий меҳнат беллашуви тобора қизиб бормоқда, — дейди Л. Горохова. — Бирлашманинг 45 нафар ишчиси икки беш йиллик ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Улар орасида илғор ишчилар С. Исмоилова, М. Исамуҳамедова, К. Рустамов ва М. Соатова сингарилар бор.

Коллектив янги беш йилликда ҳаммаси бўлиб 165 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Бундай юксак кўрсаткичга эришишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун чинакам ғайрат ва матонат билан тер тўкиб ишлаш лозим. Корхона машъали Лидия Горохова буни яхши тушунган ҳолда ҳақиқий меҳнат намуналарини кўрсатиб ишламоқда.

СУРАТДА: пешқадам ишчи Лидия Горохова.

Т. Каримов фотоси.

## Интернационализм — байроғимиз

Партия бундан буён ҳам мамлакатимиз халқлари қардошларча дўстлигини муттасил мустаҳкамлайвериши, меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва интернационализм руҳида тарбиялаб, миллатчилик ва шовинизм, маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши принципиал кураш олиб бориши КПСС XXVII съездида таъкидлаб ўтилди.

«КПСС XXVII съезди қарорлари асосида миллий муносабатларни такомиллаштириш» — 3 апрель куни Тошкентда очилган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясининг мавзуидир. Конференцияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, СССР Фанлар академияси ҳузуридаги миллий проблемалар илмий кенгаши, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти ўтказмоқда. Унда Москва, Киев, Тошкентнинг бир қанча иттифоқдош республикаларнинг таниқли олимлари, партия ходимлари, идеология ташкилотлари ва муассасалари раҳбарлари қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев кириш нутқи сўзлаб конференцияни очди.

Биринчи ялпи мажлисда СССР Фанлар академияси президиуми ҳузуридаги миллий проблемалар илмий кенгаши раиси академик Ю. В. Бромлей «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида миллий жараёнларни ўрганишнинг актуал масалалари» ҳақида доклад қилди. Озарбайжон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси А. Ф. Дашдамировнинг «Миллий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан КПСС фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги доклади ҳам тингланди.

Биринчи ялпи мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлари иштирок этдилар.

Конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

Санъатнинг сеҳрли олами

### МЕҲНАТСЕВАРЛИККА ДАЪВАТ ЭТИБ

СССР халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев яратган йирик полотнолар умумхалқ мулкига айланган. Машҳур мўйқалам соҳибининг «Қайроққум ГЭСи тонги», «Қайроққум денгизи», «Каттақўрғон сув омбори» каби кенг оммалашган асарлари ўрта мактаблар ўқув программасига биноан ўқувчилар томонидан ҳам атрофлича ўрганилмоқда. Тарбиявий ишнинг ана шу йўналиши бўйича тасвирий санъат тўгаракларида машғулотлар олиб боришнинг усул ва методлари яқинда чиққан қўлланмада кенг ёритилган.

«Тасвирий санъат тўгаракларида машғулотларида ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси» деб номланган мазкур методик китобча республикамиз ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари учун ҳам мўлжалланган. Уни Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институти чоп этди.

С. ОДИЛОВА.

### ЖАНГЧИЛАР МАДҲИ

Собиқ жангчи Ҳикмат Раҳмонов Улуғ Ватан урушида ўқчи ротаси командири сифатида мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган эди. Фронтдан қайтгач, у яна ўзи севган рассомлик санъати билан шуғуллана бошлади. Бу орада жангчи-рассом нозик мўйқалами билан талайгина пейзаж, портрет, тематик картиналар чизди.

«Жангчиларга совға» деб номланган полотно Ҳ. Раҳмонов ижодида алоҳида ўрин тутади. Яхши кайфиятдаги жангчилар руҳини ёркин акс эттиришга бағишланган мазкур картинада рота ошпази образи юморга бой ҳолда бадиий композицияда усталик билан тасвирлаб берилган. Мазкур асар Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида яқинда жангчи-рассомлар билан бўлган учрашувда томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Савол-жавоблар асосида қизиқарли ўтган бу учрашув Совет Иттифоқи Қаҳрамони, таниқли мўйқалам устаси С. Абдуллаевга бағишланган ҳужжатли фильм намойиши билан якунланди.

### ИЖОДИЙ КЎРИК

«Биз Ленин партиясини улуғлаймиз» шиори остида ўтказилган пойтахт области фестивали халқ ижодиёти учун чинакам кўрик бўлди. Бу санъат байрамига 80 га яқин бадиий ҳаваскорлик ва профессионал коллективлар, етакчи солист, саҳна усталари қатнашди.

Пойтахт театрлари томонидан кўрсатилган постановкалар кўпчиликка манзур бўлди. Ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқишлари ҳам илиқ кутиб олинди. Шу ўринда Тошкентдаги 164-ўрта мактаб талабалари тайёрлаган бадиий композицияни ҳам айтиб ўтиш лозим.

Билим ўчоғи талантлари намойиш этган бу музикали поэтик программа «Партия, Ленин, халқ» деб номланди. Мазкур композиция мактаб ўқувчилар хори, театр студияси, рақс ансамбли ҳамда спорт группаси томонидан маҳорат билан ижро этилди.

Фестиваль доирасида ўтказилган «Ленинча тинчлик йўлидан» ижтимоий-сиёсий ўқишда ўқувчилар тайёрлаган декламациялар ҳам баралла янгради.

## Лекторларнинг область семинари

Пойтахт областимиздаги партия комитетлари, комсомол ташкилотлари ва «Билим» жамияти лекторларининг уч кунлик семинари бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари КПСС XXVII съезди материаллари бўйича қатор докладларни тингладилар.

Тошкент театр ва рассомлик институти ректори, фалсафа фанлари доктори, профессор Т. С. Саидбоев «КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди меҳнаткашлар ўртасида атеистик пропагандани кучайтириш тўғрисида» темасидаги лекция билан чиқди. Семинар иштирокчилари ҳузурида тарих фанлари доктори Ш. З. Зиёмов «КПСС XXVII съезди совет жамиятининг сиёсий системасида партиянинг раҳбарлик роли ошиши тўғрисида», юридик фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, профессор Ш. З. Ўразаев «КПСС XXVII съезди социалистик демократияни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда қонунчиликни мустаҳкамлаш» темасида лекция ўқидилар. Иқтисод фанлари доктори профессор Э. А. Акромовнинг лекцияси эса фан-техника тараққиёти ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим воситаси темасига бағишланди.

Шунингдек, семинар иштирокчилари КПСС XXVII съезди коммунистик қурилишда КПСС аъзоларининг ролини ошириш, идеология кураши ва контрпропаганда масалалари, КПСС XXVII съезди партиянинг ташқи сиёсий фаолияти тўғрисидаги лекцияларни ҳам тингладилар. Тарих фанлари доктори, профессор А. Ғ. Абдунабиев, фалсафа фанлари кандидати, доцент Ш. Ғ. Яҳёев, тарих фанлари кандидати, Тошкент олий партия мактабининг доценти В. И. Гулинлар шу темаларда лекциялар ўқишди.

Лекторлар семинарнинг ташкил этилиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар. Шу билан семинар ўз ишини тугатди.

## НОДИР НАШРЛАР

Жаҳон классик маданиятининг атоқли намоёндаси В. А. Моцарт ижодиёти ўзбек музика шинавандаларига ҳам яхши таниш. Машҳур композиторнинг турли жанрда ёзган асарлари намуналари республикамиз концерт ташкилотлари репертуаридан ўрин олган. Тошкент давлат консерваторияси ижодий коллективлари ижросида ҳам унинг асарлари тез-тез янграб туради.

Шуниси характерлики, Моцарт ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир ноёб китобларнинг дастлабки асл нусхалари ҳозир Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат халқ кутубхонасида сақланмоқда. Рус музикашуноси, декабристларнинг яқин дўсти А. Улибишевнинг композитор ҳақида ёзган монументал асари шулар жумласидандир.

Парижда 1843 йилда босилиб чиққан уч томлик монографияда композиторнинг серқирра ижоди атрофлича таҳлил қилинган. Эндиликда камёб библиографик манбага айланган бу нашр зиё масканининг нодир мулкига айланган.

Унинг Тошкентга келиб қолиши сабаби жуда қизиқ бўлган. Бу китобни таниқли немис астрономи Ф. Шварц Тошкент кутубхонасига топширган эди.

Гап шундаки, бу астроном ўтган асрнинг 70-йилларида шаҳримизга келган эди. Етук мутахассис сифатида у Тошкент обсерваториясини ташкил этишда актив қатнашади. Сафар муддати тугаб, ўз ватанига қайтаётиб, у ўзбек халқига ҳурмат ва эҳтиром белгиси сифатида Моцарт ҳақидаги ўша нашрни зиё масканига топшириб кетади. Мазкур китоб аввал унинг шахсий кутубхонасида сақланган эди.

Навоий номли кутубхонада композиторга бағишланган яна қатор тўпламлар бор. Булар орасида «Моцарт» деган китоб ажралиб туради. Музикашунос М. А. Давидова қаламига мансуб мазкур асар 1891 йилда таниқли китоб ношири Ф. Ф. Павленков томонидан чиқарилганди.

Бу нашрлар бўйича алоҳида библиографик каталоглар тайёрлашга киришилди.

А. АЛИЕВ.

Шаҳримиз ва мамлакатимиз спорт майдонларида

## «Пахтакор»—«Кузбасс»—4:3

Бу матч тошкентлик футболчилар учун ғоятда оғир бўлди. Биринчи таймнинг 24-минутида меҳмонларнинг ҳужумчиси Виктор Замлин ҳисобни очди. 26-минутда «Кузбасс» дарвозасига 11 метрлик жарима тўпи белгиланди. Бироқ «Пахтакор» командаси капитани бу имкониятдан фойдалана олмади. Биринчи таймнинг тугашига беш минут қолганида кемероволиклар ҳужумчиси Виктор Пирмушин Владимир Цирин дарвозасига иккинчи тўпни йўллади. Командалар шундай ҳисобда танаффусга чиқишди.

Ўйиннинг бундай тус олиши пахтакорчиларни саросимага солмади. Улар иккинчи таймни уюшқоқлик билан бошлашди. Натижада 4-минутда Айдер Зайтуллаев ҳисобни қисқартиришга муваффақ бўлди. Аммо меҳмонлар пахтакорчилар дарвозасини яна ишғол этдилар. Шунда ҳам тошкентлик футболчилар тушкунликка тушишмади. Оқибатда ғоятда қимматли ғалабага эришилди. Энди «Пахтакор» 9 апрель куни Львовнинг «Карпати» АСК билан ўз майдонида учрашади.

***

Биринчи лига командалари ўртасида бўлган қолган матчларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Помир» (Душанба)— АСК (Хабаровск) — 0:0, «Гурия» (Ланчхути) — «Кубань» (Краснодар) —1:0, МАСК— «Локомотив» (Москва) — 0:1, «Карпати» АСК — «Атлантас» (Клайпеда) — 4:0, «Спартак» (Орджоникидзе) — АСК (Ростов-Дон) —0:0, «Ротор» (Волгоград) — «Факел» (Воронеж) — 2:1, «Ростсельмаш» —«Динамо» (Батуми) —6:0, «Динамо» (Ставрополь) — «Котайк» (Абовян) — 0:0, «Колос» (Никополь)—«Шинник» (Ярославль) — 1:0, «Металлург» (Запорожье) —«Искра» (Смоленск) —3:0.

